



ХҶКАНДИ ЛАТИФ ШАХРИДА КИПЧОКЛАРНИНГ ҶЗЛАРИГА ХОН КҶТАРИШЛАРИ. БУХОРО ПОДШОСИ ВА ХУДОЁРХОННИ (ФАРГОНАГА) КЕЛИШЛАРИ ВА ДАВЛАТ САЛТАНАТИГА ХУДОЁРХОН ВАЛИНЕЪМАТНИНГ ҶТУРГАНИ ХАКИДА

Сўз гулистонининг чаманороси, минг дostonнинг булбули бўлган мусанниф вокеа дуру гавхарини шундог баён этади. Ул замон ва ул вақтларда бесару сомон кипчоклар ўз лашкарлари ила келиб Сайхун дарёси бўйидаги Сарой деган кишлокда тўхтадилар. Киргиз ва кипчок улусининг улуглари бир неча кун шул жойда қолиб, ўзаро маслаҳат қилиб шундай қарорга келдилар: «Бирор-бир мирбачани топиб уни хонлик салтанатига кўтариб, шаҳар (Хўканд)га кириш керак». Шу фикр ҳаммага маъқул бўлди. Мирзо ибни Норкўзи додхо киргизни Худойкул бек ибни Максудбекка маҳалладош ва кўшни бўлгани учун унинг олдига юбордилар. У шамолдек тез шаҳарга келиб, энди ўн олти ёшга кирган, аслзода мир авлодидан бўлмиш Худойкулбек ибни Максудбек ибни Бекбўтабек ибн Сулаймонбек ибни Шодибекни олиб, (Сарой) мавзеига етказди. Халқ мирбачанинг малохатли суратига ошиқи шайдо бўлиб, 1282 йил, душанба куни, муҳаррам ойининг бешинчисида уни салтанат ва шохлик маснадига хон қилиб кўтардилар.

Арбобу шариф, факиру ганий муборакбодлик учун дуога қўл кўтариб, масрурлик ва шодиёналик фотихасини ўқидилар. Шундан кейин арқони давлат ва салтанат аъёнлари ва бошқалар жам бўлиб шаҳарга келиб кирдилар. Улар Султон ўрдасига жойлашдилар. Хон жаноби султонлик тахтига ўтуруб, Бек Муҳаммад кипчокни мингбоши мансабига сарафроз қилди. Мирза Аҳмадга дастурхончилик (мансабини) ҳадя қилди.

Шу вақт давомида аҳли киргизия ва кипчокия ўн тўрт кун ўрдада яшади, душанба куни кечкурун эса фуқародан хавф олиб, подшолик салтанатини ташлаб, шаҳардан бир фарсах нарига қочдилар. Бу хабарни баъзи бебошу авбошлар эшитиб, кечаси бориб ўрда ичини талон-тарож қилдилар. Буни шаҳарнинг баъзи улуглари эшитиб, ул одамларни тафтиш ва таҳқиқ қилиб, олиб кетган нарсаларидан бир қисмини топдилар. Шаҳар фуқароси ва уламолари кипчоклар аҳолини кўриб, гуруҳ-гуруҳ бўлиб улар олдига бориб, шаҳарга қайтишни сўрадилар. Аммо бу химматсиз кишиларда шаҳарга қайтиш учун юрак йўқ эди.

Гамойил кишлогини (киргиз, кипчоклар) ўзларига турар жой қилиб олдилар. Улар куффорга қарши газовот учун деб фуқарога солиқ солиб, юз минг тилла пул тўплаб олдилар. Уларнинг қасофатли қилмишларига қарамасдан шаҳар аҳолиси сабр-тоқат айлаб, уларга ёрдам бердилар. Аммо бу иш шаҳар ва саҳро ўртасида бир неча кун давом

этиб, икки томоннинг ҳам нафратига сабаб бўларди. Масал бордурким, унда айтилишича: «Йўлини йўкотган киши (гумрох)дан сўрадиларки, сенинг номинг нима?»— «Номим рахбар (йўловчи)дир» деб жавоб берибди у. Кипчокларнинг бу килмишлари ва хамокатлари жаноби бахтиёр Худоёрхон валинеъматга маълум эди. Жаноби валинеъмат воқеалар баёнини Бухоро подшоши амир Музаффарга дархол етказиб турарди. Шу орада амир ўрусларга элчи жўнатишни бахона қилиб, Хўкандга келмокчи бўлди. Нажмиддин хўжа деган бир бухороликни Россияга элчи қилиб кўп тухфалар ва хадялар, яъни улкан бир фил, амир Темур васикаларини кўлига бериб, Петербургга — ўрус оқ подшосига жўнатиб, ўзи бехисоб лашкар ила Бухородан Жиззахга келиб, манзили жалол қилди. Бу ердан Бухорога тижорат учун келаётган бир бой ўрусни саккиз юз туяга юкланган кимматбаҳо матолари, бир неча туя ўрусия олтин-кумуш пуллари ила кўлга тушириб, ҳамма молу матони олиб, ўзига хавф солиб, Тошкандга — ўрус жинироли олдига хайдади.

Амир Худоёрхон жанобларини ўзига хамрох ва кўлига ўйинчок қилиб Хўканди латиф сари йўл олди. Хўжанд шахрига келиб осойиш топди. Жаноби валинеъматга (Худоёрхонга) ишониб, уни лашкарга сардор қилиб Хўканди латифга жўнатди. Худоёрхон, Оллоёрбек парвоначи, Яъқуббек гулом, Самарканд хокими Шер Али гулом саноксиз лашкари ила Хўканди латифга йўл олдилар.

Кипчоклар уларга муковамат қилмасдан якшанба куни Мўйи Муборакка келдилар. Кечани бир илож қилиб ўтказиб, душанба куни, лашкар келишидан олдинроқ пешин намози вақтида Маргилон йўлига чиқиб кетдилар. Шу куни кечаси мангит лашкарининг илгор қисми Хўканди латифга жангу жадалсиз кириб келди. Сешанба куни пешингача лашкарнинг ҳаммаси шахарга дохил бўлди. (Худоёрхон) кетма-кет подшоҳ (Музаф-фар) хизматига хушхабарлар жўнатди. Амир (Музаффар) кўнглини чоғ қилиб, 1281 йил, сафар ойининг йигирманчи, панжшанба куни шахарга кириб келди. Аммо бу золимнинг авбош ва бебош сарбозлари шахар атрофидаги жойларни талон-торож қилдилар. Бир муддат Хўканди латифда истикомат қилиб (амир) Оллоёрбек мангитни лашкарга сардор тайинлаб, киргиз ва кипчоклар орқасидан юборди. Иккала кўшин ҳам изма-из борардилар. Кипчоклар Модии мавзеига бориб тўхтаб дам олдилар. Оллоёрбек эса мангит лашкари ила Аробон қалъасини манзил қилди.

Бир кундан кейин эрталаб кипчок ва киргизлардан олти юз киши ўз сардорлари Юсуфбой Мирзо, Элтаркуб баходур ва Хол понсод киргиз ила Аҳси мавзеига келиб, мангитларнинг йўлини пойладилар. Икки томон тўқнашиб, жанг бошланди. Баъзан кипчоклар Гулбахор майдони сахнидан мангитларни сиқиб, Аробон мавзеига қадар чекинтирардилар. Гоҳи мангитлар галаба қилиб, кипчокларни жангоҳга қайтарардилар. Бир неча бор улар шундай бориб келдилар. Бу бечоралар (кипчоклар)га Бек Мухаммад хезалақдан ҳеч қандай мадад келмади. Мангитларнинг кўли баланд келиб, улардан 15 минг киши кипчоклар атрофини ўраб олиб, бир тор жойга сиқиб қўйдилар.

Эртадан-кечгача бўлган уруш ҳеч қандай фойда келтирмади. Нихоят, кипчок сардорлардан Хол понсод киргиз, Юсуфбой Мирзо, Элтаркуб кипчок ва яна юзта сарбоз кўлга тушдилар. Колганлари мангит сафини ёриб қочиб кетдилар...

Шундай қилиб, мангитларнинг кўли баланд келиб, амирларни (Бухоро) подшоҳи хизматига жўнатдилар. Оллоёрбек парвоначи эса Ўш томонга кетиб, Модии мавзеида қарор топди. Кипчок лашкари эса Кулжага кетиб қолди. Улар бир-биридан ваҳм қилиб, анча муддат жойларида турдилар. Можаро бир ёкли бўлмай туриб, Оллоёрбек мангит қайтишга амр қилди ва Маргилонга келди. Кипчоклар ҳам Арабон (кишлоғи)га келиб

турдилар. Разил мангитлар ахволларини ўз подшоҳларига маълум қилиб, маслаҳат сўрадилар. Тадбирсиз (амир) айтди: «Биз» шу ерда қоламиз. Ору номус деб биз бу ерга келганмиз. Бу мамлакат Худоёрхоннинг мулкидир, ўзи қирғизу қипчоқни дафъ қилиш йўлини топсун.» (Амир Музаффар) жаноби Худоёрхонга бир неча минг мангит ва Хўқанд сарбозларини жўнатди. Қочоқлар (қирғизу қипчоқлар) Худоёрхоннинг қелишини эшитиб, тоқат қилмасдан Қошғар вилояти томон йўл олдилар. Жаноби султон ул бадбахтларни Тирак довоғига таъқиб этиб борди. Уларнинг қанчасини банди қилди, учта тўп ва кўп асбоб-ускуна, қурол-яроғларини қўлга қиритди. Катта иззат ила қайтиб, 22 раббӣ-ус-сонӣда Хўқанди латифга етиб келди ва Бухоро амири ҳузурига- обрў билан ташриф буюриб, давлат маснадида қарор топди. Бухоро амири ўрдадан кўчиб, ҳазрати Мўйи Муборак боғига келди. У фалокат (амир Музаффар) шу ердан ҳамма подшоҳлик асбоб анжомлари, тўпу тўфанг, қурол-яроғларни, гилам ва бошқа бойликлар ҳамда тўрт юзга яқин хотин-қизларни олиб сешанба қуни эрталаб Бухоро сари йўлга тушди... Валинеъмат хон жаноблари давлат ва салтанат тақягоҳига ўтуруб, қайгуларини унутиб, зафар топди. Бадбахт ва қулфатзада қирғизу қипчоқлар замона жафосидан қочиб, тоғу саҳролардан ўтиб, Яъқуббек олдиға (Қошғарга) келдилар. Улардан қолганлари ўз сардорлари ила, ҳусусан, Абдурахмон офтобачи ўз уруги ила, Муҳаммад Диёр қушбеги ўғли ўз қабиласи ила, Тошқора ўз тобеълари ила, Саримсоқ додхоҳ қирғиз ўз лашқари ила тўп-тўп бўлиб тортук ва ҳадялар олиб ҳазрат хон олдиға узр сўраб келдилар. Жаноби валинеъмат ҳам уларга марҳамат айлаб, ҳар бирининг мартабасига қараб инъом- эҳсонлар берди. Шу аснода бир неча қун ичида уларнинг қолганлари ҳам қелиб султон илтифотини ҳис қилиб, таслим бўлдилар. Бир қуни кечаси қирғиз ва қипчоқларнинг бир гуруҳи ваҳимага тушуб ўзлари интиҳоб қилган жойга қочиб кетдилар. Ҳусусан, амирлашқарнинг жияни Муҳаммад Аюббий Чимён томонга қочди, 200—300 қирғизни ўзига ҳамроҳ этиб, Ўш вилоятига қараб кетди. Жаноби Султон Муродбек, хон ҳазратнинг ақалари — Марғилоннинг ҳокими эди ва у бир неча вақтдан буён Ўш вилоятида зақот йигувчи эди. Муҳаммад Аюб унинг олдиға қелиб сурбетларча, «Амирзода, туринг, ақанғизни ўлдуриб, сизни уларнинг ўрнига хон қўтардилар. Мен шунинг учун олдинғизга келдим», деб айтди. Амирзода ул аҳмоқни алдаб, қирғиз ва қипчоқ сардорлари қўли орқали ушлаб зиндон қилди. Тезда бир чобуксувори хон ҳазрат олдиға ҳабар бериш учун юборди. Ул чопар кечаю қундуз от суриб Худоёрхон олдиға келди ва хоннинг соғлиғини ўз кўзи билан қўриб, амирзода номига бир иноятнома ҳам олиб қайтди ва амирзодага ҳамма қўрган-эшитганини айтди. Муҳаммад Аюбнинг ёлғончилиғи маълум бўлди. Ундан ҳамма газабланиб, қатл қилинишига розилик бердилар... Алқисса, унга ўлим муқофот бўлди ва фармони олийга қўра Марғилонга олиб қелиб қатл этдилар. Душманлардан яна бири Саримсоқ додхоҳ қирғиз бўлиб, у Наманганга келган эди. Хон (Худоёр) Наманган ва Қосон ҳокимлари лашқарларини унинг орқасидан юборди. Унга ета олмадилар ва у (Саримсоқ додхоҳ) осонлик билан Чотқолга ўтиб кетди. Қолган қирғиз ва қипчоқлар хон марҳаматига сазовор бўлуб, тавба қилдилар. Фақат Тошқора қипчоқ ўрусларга қўшилиб кетган эди...

КИТОБНИНГ ХОТИМАСИ ЖАНОБ ХУДОЁРХОН ВАЛИНЕЪМАТ ВА БУХОРО

ПОДШОХИ ЗАФАРСИЗ МУЗАФФАРГА БАГИШЛАНГАН БЎЛИБ, УЛАРНИНГ ДАВРИДА ЮЗ БЕРГАН ВОКЕАЛАР БАЁН ЭТИЛАДИ

Фатонат арбобларининг гули, наво ва ахли саноат нуктадонлари, сохибфасохат ва зукко эшитувчилар жамоатига маълум ва равшан бўлсинким, ул вақт ва замонда Бухоро амири кўп лашкар билан келиб, кипчоклар ишини саранжом этиб, Худоёрхонни унга мерос колган мамлақати салтанатига кўйиб, ўзи Бухорога кайтиб, давлат қароргоҳига ором бўлган эди. (Амир Музаффар) ўзбилармонлик ила кеча-кундуз айш-ишратга машгул бўлиб, хотинбозлик килиб, оламдан гофил ва хатто ўзидан кетиб қолиб, ўзини Фиръавну Намруд деб биларди. Дўстни душмандан фарқ этмасди. Шундай ахвол бир неча вақт давом қилди. Киш хам кириб келиб, тўксон тўққиз хил тортукларни олиш вақти хам бошланди. Бу иш шу мамлақат подшоҳлари учун расм бўлуб, унга риоя қилиб, ўлканинг хар ёнидан саркардалар тортук ва тухфалар билан Бухорога келардилар.

Жаноб хон хазрат хам шу удумга амал қилиб, Баходурхон тўра Косоний орқали кўпдан кўп ҳадя ва тухфаларни Бухорога жўнатди.

Шу воқеаларни нақл қилиш пайтида 1282 йил, рамазони шариф ойининг охириги ўн кунлигида ўрус қофирлари Тошканд вилоятидан Жиззахни забт этиш учун лашкар йигиб, кишининг ўртасида ҳаракат бошладилар. Сайхун дарёси бўйига келиб, ундан кемада сузиб ўтиб, бир муддат лашкар камчилигини тузатиб, Жиззах сари йўл олдилар. Рамазон ойининг охириларида қофирлар Жиззах яқинида жойлашган Учтепа мавзеига келиб нузул қилдилар.

Жиззах қалъасининг ҳокими Яъқуббек деган бир гулом қалъа химоясига тушуб, қутуб турди. Подшоҳ (амир Музаффар) Самарқандга келиб, шу ердан кетма-кет илгор дасталарни жўнатиб, Жиззахни бехисоб лашкар ила тўлдириб юборди. Шунга қарамасдан қофирлар бу лашкарни гафлатда қолдириб, шаввал ойининг бешинчисида, душанба куни 20—80 кишидан иборат гуруҳлар билан қалъа олдидан бозорга келиб, хийлаю найранг қўллаб шаҳарга қирмоқчи бўлдилар. Шу пайт одамлар бетаработ наҳс босган малъунларни таниб қолиб, шовкин солиб, уларни тўрт томондан ихота қилдилар. Қофирлар мангитларнинг журъатсизлиги ва химматсиз эканликларини билиб, тўпу тўфанлардан ўқ уздилар, кейин ҳалос бўлуб орқага чекиниб, соғ-саломат ўз қўшинларига қайтдилар. Учтепа қишлоғига, ўз қароргоҳларига келиб, ўн беш кунча яшадилар. Икки томон хам урушга жазм қилмадилар. Шундан сўнг Яъқуббек гулом замонасозлик ва одамийлик юзасидан туяларга озик-овқат ва ему хашак ортиб қофирларга жўнатди. Қофирларнинг ахволлари танг бўлиб қайтишга фармон бўлди, (улар) Сайхун дарёсининг бўйида жойлашган Бўёкчиқўл мавзеига қелдилар. (Ўрусларнинг саркардаси) бир неча сарбози билан Тошкандга қайтди.

Шу воқеалар юз бераётган чоғда валинеъмат (Худоёрхон) ёрлигига биноан жохил Рустамбек Тошқандий Курамага келиб, Тиловга қирди, Ботурбек курама эса Бўқа қалъасидан жой олди. Фармон додхонинг ўғли Овлиқ вилоятига нузул қилди.

Мусулмонларнинг бу ишлари қофирларнинг қулоқларига ноҳуш тегиб, улардан 300 киши дабдаба ила Тўйтепага яқинлашди. Бу даҳшатли хабар шижоатли мусулмон сарбозларига етиб-етмасдан, кўрқуб, ваҳимага тушиб, хар бири ўз туги билан қочиб қетдилар. (Мусулмонларнинг) бир гуруҳи Қандир довонидан ўтиб, бир қисми Саримсоқлик тоғидаги бир биёбонда истикомат ихтиёр этдилар.

Шу вақтда Бухоро подшохи зафар кўрмаган амир Музаффарӣ беафар ўзининг кўполлиги, мумсуқлиги ва акли кўрлиги билан газавот деб, шум ва номуборак ниятини яшириб, Хўқанди латифга юришдек фосид хаёлни бошдан кечирди. Бир неча минг авбошу бебош безори-дайди одамлардан лашкар йигиб, катта дабдаба ва салтанат билан Жиззахга келди.

Хозиру гойибдан хамма умид килар эдиким, иншооллох, энди- замона амири кофирларга етиб бориб, хаммаларини журъату диловарлик ва шижоату мардлик ва баходурлик кучи бирла барбод килади ва вилоятни озод этади деб.

Аммо ул номард ва хезтарош амир номуносиб фосид хаёлларга ботиб бахона кидирарди. Хон Худоёр хам салтанат тахтида ўтуруб, хали мурод гулини хидламасдан, осойишталик дамани сурмасдан туриб, тинч Хўқанди латиф вилоятида катта фатарот юз берди.

Йигирма етти йил мобайнида йил сайин, ой сайин, кун сайин котиллик, биродар-кушлик жанжаллари авжига чиқади. Хатто душманга қарши чиқадиган бир мард киши топилмайдур. Ўн уч йилдурки, ўрус кофирлари бостириб кириб Окмасжид, Козонлидан то Авлиёота, Марка, Бишкек, Олма-ота, Чулек кўргонларигача забт этдилар. Кўп одамлар кофирлар билан бўлган жангда талафот кўрди ва вилоятнинг шундай харобага айланиши олам ахлига маълум ва равшандур. Бундан ташқари, шу йил кахатчилик келиб, одамларнинг токати ток бўлди. Хўқанди латиф вилоятининг ахолиси давр жафоси кулфатига гирифтор бўлдилар. Алар Худоёрхон қаддини муборак билиб, жонларига янги рух қирган ҳолатда турардилар. Бу воқеаларга кўшимча куффор уруш бошланиб, ўруслар хўқандликларга ҳар томондан ҳужумга ўтдилар. Бу сўзлардан гараз шулким, ул ножинс (амир Музаффар) Хўқанди латиф лашқарини олдинги сафда куффор урушига жўнатиб, ўзи бир-икки кунлик масофада туруб, «зафар тегса факат хўқандликларга тегсун, улар нобуд бўлсун, мен безарар қолай» дерди. Махрами хосларини ва саноксиз ясовулларини номалар ила дўк-пўписа билан кетма-кет Худоёрхон олдига жўнатарди, Худоёрхон амирнинг ношуд муддаосини фаросат ила тушуниб, замонасозлик қилиб, бир неча минг сарбоз, махраму ясовул ва бир нечта тўпларни олиб, шаҳардан ярим фарсангча узокроқдаги Ермасжид кишлогига келди. Ўн беш кунча шу жойда истикомат қилиб турганда, яна амир ясовуллари етиб, уларни хол-жонига қўймасдан Қайрағоч кишлогига олиб келдилар. Уч кун шу ерда туруб, зу-л-қадда ойининг 26-сида сешанба куни ўрусларга қарши газавот учун Сайхун дарёси соҳилига етиб келдилар. Жаноб Султон икки навбатда дарёдан лашқари ила ўтиб, Окжар мавзеида тўхтадилар. Бўхоро амири кўрдикӣ, валинеъмат хон унинг сўзига қирмасдан бошқа йўлни ихтиёр этди, шунда у кофирлар урушини бир томонга қўюб, қаҳру газаб ила Хўқанди латиф сари йўл олди.

Бўхоро вилоятининг юзи қаро уламолари Хўқанд ахолисини ўлдириш ва хотину болаларини асир олиб сотиш ҳақида ривоят чиқариб, фатво бердилар. Шундай фатво берганлари учун уларнинг қўллари синсин!

(Амир Музаффар) кўзойнакли илондек ҳаракат қилиб, Ўратепадан ярим фарсанг келадиган Лаккат мавзеига келди...

Икки ой ичида шу мавзеда истикомат (қилиб) ва ҳар куни ўз ҳарамиде кизлар билан вақтини ўтказиб, бачабозлик қилиб, оламдаги бор фисқу фужур ила ҳаётини мурдор қилди. (Амир Музаффар) жаҳлу жохиллик ва фаросатсизлиги туфайли, кофирлардан атиги беш фарсанг нарида туриб, шундай номаъқулчиликлар билан шугулланарди. Ҳар кун аҳолининг киз ва хотинларини зўрлаб олиб (қелиб) маишат қилиш шул бетавфикнинг иши эди. Катъа (мазмуни):

Мулк арбобининг маёт бўлиши адабдан эмас,
Шох салтанатига хушёрлик ойини яхшидур.
Шох посбондир, шунда мулк ширин уйкуда бўлар,
Посбонга хушёрлик яхшию, гафлат лойик эмасдур.

(Амир Музаффар) валинеъмат хон хизматига хар кун кишиларини юборуб, уларни куффорлар билан жанг килишга мажбур этарди. Худоёр (хон) валинеъмат сомон тикилган коп ва кундага ўхшаган бу кишининг (амирнинг) сўзига кирмасдан, элчиларни яхши сўз ила кайтариб юборарди. Бундай муносабатни кўрган амир кахр-газабдан ўлимга ҳам рози бўларди. Ноилож ўзини кару кўрликка олиб, шу йил йигирма тўртинчи зул-л-хижжада уч фарсанглик масофани кийинчилик билан босиб ўтиб, Сайхун дарёси сохилидаги Майда лулгун деган мавзегга етиб келди. Шу ердан Абдугаффорбекни 5 гурух тугли кўшинга сардор килиб, Курама вилоятига жўнатди. Ўзи шу ерда (Майда лулгунда) қолиб, Оллоёрбек мангит, Яъқуббек гулом, Шер Али гулом ва бошка сар-карда — понсодларни кўп минг лашкари билан ўрусларга карши урушга боришга буюрди. Улар хар кун чикиб, ўруслар билан урушиб кайтардилар. Бу маънони билиб олиб мухаррам ал-харом ойининг бир шанбасида кофирлар келиб (мангитлар билан) жанг килиб кайтиб кетдилар. Бу воқеадан мангитлар хабар топиб, кофирларни заифу факир деб, назарлари илмади ва улар билан катта тўкнашувни кутиб турдилар. Як-шанба куни кирди. Куёш шарк буржидан малики фарханг амри-ла улуг дабдабалар билан осмон гиламига кадам босиб, содик кишиларнинг калбидек оламини равшану намоён, софу мусаффо килди. Ислом лашкари харакатга келиб уруш майдонига жасорат билан кирдилар ва тўпу тўфанларни хозирлаб, сафларини Садди Искандарийдек махкам килиб, кофирларни кутдилар. Якшанба кофирлар учун ибодат куни эди. Пешиндан сўнг ибодатдан фориғ бўлган ўруслар келиб ислом лашкарига карши бирдан хужумга ўтдилар. Икки томон бир-бири билан учрашиб кўрган ва эшитган кишининг акли хайратда қоладиган урушни бошлаб юбордилар.

Мангитлар эса кўп йилдан буён халк нонини туя килиб еб, на ўзлари ва на ота-боболари уруш кўрмаган эдилар. Хаммалари олд-оркаларига карамасдан кочиш йўлини кидирардилар.

Нима бўлсанг ҳам, факат хез бўлма дегандек, Бухоро подшохи бир фарсах масофада туриб дурбин оркали урушни томоша киларди. Кофирлар хушсиз мангитларни тўпу тўфанг билан отардилар. Лашкари ислом паришон ва пароканда бўлиб, чўлу биёбонга кочиб кетдилар.

Хезалак подшоҳ (Амир Музаффар) дурбинда бу ахволни кўрди ва шундай хез кишида ҳам токат колмади ва кийиниб улгурмасдан минг хасрат ила отга миниб, намози аср вақтида Жиззах томон йўл олди. Унинг лашкарига путур етди ва паришон бўлиб жанг майдонидан кочиб колдилар. Хеч ким бундай бесаранжомлик ва номардликни бундай тўнкабадан кишидан, амири хездан хозиргача кутмаган эди. Аждодларидан мерос колган шундай салтанатни, бухоролик баъзи бир магрур кишилар учун ифтихор бўлган муфохиротни, курол-ярок, подшоҳлик анжомларини, хусусан, бир неча дилбанд маъшукаларини бегоналарга ташлаб кетди.

Бувоқеа 1283 йил якшанба куни, мухаррам-ал-харом ойининг 7-сида юз берганди. Катта хез жаноблари (амир Музаффар) шу кочишда жони халкумига тикилиб, ке«курун Жиззахга етиб келди. Унинг мулки бесохиб, беҳоким колди. Абдул Гаффорбек юз Ўратепага кириб, музофот ила эгаллаб, мустакил бўлди. Хўжанд ахолиси жаноб (Худоёр) валинеъмат хон хузурига келиб, ундан сардор бўлишини илтижо килиб сўради.

Жаноб Шахриёр Мулло Тўйчи додхох киргизни бир неча ишончли кишилар билан Хўжандга юборди. Ўзи ҳам келиб шаҳарга кирди. Хўжандга тобеъ бўлган жойлардан Нов калъаси, Кўштегирмон, Гўлакандоз, Октепа, Далварзин, Махрам, Карокчикум, Конибодом ва бошқалар амири валинеъмат (Худоёрхон), таоарруфига ўтиб, олам-тимч ва осойиш бўлди. Туркистон шайхлари орасида шундай бир гап бор: «Отилмаган сопкон ҳам бошга тегар, ҳам кўзга». Уларнинг яъна кўп масаялари амири (Музаффар)га карата айтилган. У Жиззахда ҳам тўхтамасдан Самаркандга кочиб кетган эди. Амир Музаффарга ўлим вахимаси тушиб, бир неча кун шу ерда (Самаркандда) истикомат килди.

Оллоёрбек мангит эса Жиззахга кириб келди. Колган молу хазина, тўпу тўфанг хаммаси кофирларнинг кўлига тушди. Неча йиллаб жамланган бойлик бир зумда нобуд бўлди. Шундан кейин баттол кофирлар Ўратепа ва Жиззахни кўйиб, гайрат жilовини Хўжанд томон буриб, бир неча кун ичида етиб келиб, шаҳарни камал килдилар.

Баъзи бедин ва дунёфуруш молпараст уламо, оксоколлару арбоблар бирлашиб, озгина пул-маблаг деб канча одамларнинг конидан ҳам кўркмай, калъа дарвозасини кофирларга очиб бердилар.

Хулосатул-калом шулким, амир валинеъмат (Худоёрхон) Баходур хожа понсодни кўшини билан (Хўжандга) юборди. Унинг юз кишидан кўпрок кўшини кофирлар сафини ёриб ўтиб, шаҳарга кирдилар. Шунга карамасдан, кофирлар Хўканд дарвозасига яқинлашиб, жанг бошладилар. Хўжандликлар гайрат камарини белларига боглаб, уларни оркага кайтардилар. Шу пайт мазкур йил мухаррам ал-харом ойининг йигирма учида ул хиёнаткорлар кофирларга бошка дарвозани очиб бердилар, Хўжанд калъасини олиш кофирларга осон тушди. Хўжанд фукароси кофирларнинг шаҳарга киришларини кўриб гайрат ва шижоат ила ўрусларнинг йўлини тўсиб, катъий харакатлар билан жангга кирдиларки еру осмон, доно ва нодон кишилар афсус бармоқларини хайрат тишлариила ташлаб; тахсин ва офаринлар айтдилар. Хар икки тараф тўпу тўфанг, чўбу таёк ила бир-бирларини уриб (ўлим ила) яксон килардилар.

Хусусан, мусулмонлар кўпрок тўпу тўфанг курбони бўлуб, оркага кайтиб, хар бири кўча, махалла ва боғлар ичидан кочиб колдилар. Кофирлар ҳам улар оркаларидан кувлаб кетдилар, кўча, махалла ва бозорларда одам колмасдан, аёлу бола демасдан кўп кишиларни милтик билан отиб шахид килишди.

Файзосор шайх Муслихиддин хазратларининг мозорларида панох топган гарибу бекаслар, кўру чўлоқлар, гадою дарвешлар, майибу мажрухлар хаммалари бирор киши колмасдан нобудлик оламига кетдилар.

Мадраса ва саройларда кўплаб одамлар талон-тарож килиниб, катл этилдилар. Икки томон ҳам тинчиб, киёматсар можаролар тўхтагандан сўнг хар бир тоифа ўз ўликларини топиб, уларни санаш билан машгул бўлдилар. Мусулмонлардан 2600 киши эркагу аёл, кабиру сагирдан шаходат даражасига етиб эканлар ва куффордан эса 1200 киши — дўзах ва жаханнам даргохига кетган экан. Шундай фожиа ила Хўжанд фукаролари кофирларнинг зулм ситамига гирифтор бўлдилар. (Хўжанд) вилоятининг мўътамадлари минг ажзу дард ила жаноб хон (Худоёрхон) валинеъматга кетма-кет элчи билан хат юбориб, ислом (ахли)дан мадад сўрадилар.

Жаноб хон узок муддат андиша денгизига гарк бўлиб, кофирларга карши бирон журъат килмади.

Куффор ахли саъй ва тараддудга тушди, аслаха-анжомини шай килиб, 1263 йил, жумодул-аввал ойининг учинчисида жабру ситам хаёлини Ўратепа томон бурди. Кўп

лашкар ила Оксув дарёсининг сохилига етиб келиб тушдилар. Шу ерда истикомат килишни ихтиёр этиб, уч юзга якин козок ва ўрис баттолларини илгор тарикасида Ўратепа томон юбордилар.

Абдул Гаффорбек Ўратепа вилоятининг хокими ва етакчиси эди. У бир канча мард ва жасур одамларини йўл кўриклашга юборган экан. Йўлда бу икки гуруҳ бир-бири билан тўқнашдилар. Мусулмонлар катта куч билан кофирларга шундай хамла килишдики, ахли куффорда тобу токат ва сабру сабот колмади ва келган йўлларига кайтиб, минг найранг ила кочиб кетдилар. Ўктам йигитлар чакконлик билан кофирларга етиб олиб, пўлатсимон найзалар отиб, ёмгирдек ўк ёгдириб, кўшларигача кувиб бориб, кайтиб келдилар. Мусулмонларнинг журъати ахли куффорга маълум бўлди. Бекарор юракларида сабру токат колмади ва улар пайшанба куни, эрталаб ўз жойларидан кўчиб, Кўркат мавзеига келдилар. Ислом лашкари кофирларнинг йўлини тўсиб, саъйу кўшиш ила жанги азим килдилар. Кофирларнинг харбий кудрати зўрлиги туфайли ахли ислом маглуб бўлиб, уруша-уруша оркага кайтдилар. Навканд мавзеигача келиб, отларини тўхтатиб, яна шундай бир каттик жангга киришдилар. Хар бир мавзе ва кароргоҳ учун бетиним жанг кила-кила Маховзор мавзеига якинлашдилар...

Шу куннинг эртаси ахли куффор калъани эгаллаш касди ила йўлга чикди. Мусулмонлар хам бир канча мерганларни калъа атрофига жойлаб кўйган эканлар. Мерганлар баттол кофирлар якинлашиши биланок уларнинг атрофларини ўраб олиб, тўпу тўфангни жўшу хуружга келтириб, тўрт томондан мухоботсиз отдилар. Кофирларда тоб-токат колмади ва улар катта зарар кўриб, каттик зарба еб кайтдилар. Кундан-кунга жангу жадал кучайиб борарди. Якшанба кечаси, жумодул-охир ойининг 4-си ё 5-сида кофирлар учта дарвозага одамларни таъйинлаб Муг дарвозасининг чуқур хандакени хас-хашак билан тўлдириб, шундай васиъ жойни бир кечада текис килиб, ўзларига йўл очиб, тонгни кутиб турдилар.

Шу пайт шахар ахолиси гофил ва ўз ахлу холига машгул бўлиб, оламдан бежабар уйкуда ётар эдилар. Бироз вақт ўтгач, сахар пайтида сахар дарвозаларига бир минг-икки минг кишини кўйиб, ўрусларнинг губурнот (ури) ва жиниरोли (генерали — Ш. В.) кўп сонли тўда ила Муг дарвозасида хозир бўлди. Тўсатдан ўзлари текислаган йўлдан ўтиб, сахар дарвозасидан кириб туг санчикени Муг калъасига ўрнатишни буюрди. (Муг калъаси) шу вилоят хокимининг жойи эди. Кофирларнинг колган лашкари сахарга хар бир дарвозадан фирка-фирка, тўб-тўб, гуруҳ-гуруҳ бўлиб кичкириб шовкин-сурон кўтариб кирдилар ва оламни тўс-тўлолонга кўмиб бозорга якинлашдилар. Ахли ислом мусулмонлик хамиятини дилига жойлаб, Садди Исқандардек устувор туриб жанг килардилар. Улар ўз юртининг хокими Абдул Гаффорбек юз кофирлар келиши биланок жуфтакни ростлаганини эшитиб, заиф ва бемадор бўлиб, кочишни мўлжал килдилар. Одамлар хилват жойларга яшириниб, кофирлар назаридан махфий бўлдилар. Кишлоқдан ва сахродан сахарга келган ахоли пана жой топмасдан ноиложликдан жангга тушиб, ўрусларнинг тўфу тўфанглари сочган оташ балосидан нобуд бўлиб, шаходат даражасига етуб, охират оламига кетардилар. (Ўруслар) уч соатга якин вилоятни талон-тарож ва ахолини катл килиб, замона мардумига омонлик бердилар. Шу дахшатли жанг жараёнида мусулмонлардан саккиз мингдан кўпрок киши кофирларнинг тўфанг ва шамширлари тигидан ажал топди. Кофирлардан ўлганларнинг сони беш мингдан ошиб, дўзах оташига сазовор бўлдилар. (Ўруслар) куч ила Ўратепа мамлакатини ўз кўлларига олдилар.

Абдул Гаффорбек хотин ва болалари билан Самарқандга кочиб кетди. Ахли куффор

етти кун Ӯратепада туриб, вилоят ишларини саранжом килиб, якшанба куни маз-кур (жумодул охир) ойининг ўн учинсида Жиззах томон боришга амр этди. Неча йўл босиб, манзили муддао сарҳадига етдилар. Шахарга бир ярим фарсах келадиган масофага кўниб, одамларнинг хафсаласини пир килди ва бир неча кундан кейин, эрта тонгда калъа дарвозаларига хужумга ўтди. Губурнот (ур) калъа мухосарасига буйрук бериб, ўзи Бухоро дарвозаси олдида турди.

Лашкари ислом калъа ичидан туриб тўпу тўфангни ишга солдилар. Кофирлар эса ташкаридан ўк отиб, талотўб билан шахарга кирдилар. Мусулмонлар бесаранжом бўлиб, хар томонга паришонлик билан югурар ва нажот йўлини кидириб тополмасдилар. Кофирлар мусулмонларни уч томондан тўсиб, тўпу тўфанг зарби ила шундай урушардиларки, ўлганларнинг хисоби йўқдур. Мангит сипоҳидан тахминан 15—16 минг киши ўз сардорлари ила шаходат даражасига етган эди. Мангитлар ўз журъатсизликлари туфайли шундай балога гирифтор бўлдилар. Акс холда, шунча одам жасорат кўрсатганда, кофирларнинг терисини шилиб олардилар. Вилоят ичи ахли куффорга тўлиб кетди.

Жиззах забт этилгандан сўнг уч кун ўтиб, амир (Музаффар) Бухородан, Самаркандга келди. Унинг табиатида гайрату хамият йўклиги учун Самаркандда ҳам бемаза ва бемаъни амаллар билан шугулланиб юрди.

Киш келиб, далв ойи кирди. Оренбург волиси Киржижановски жинирол ва Русиянинг амирлашқари эди, Русияга кетди. Шундан кейин Бухоро амири Содик Тўра ибн Кенесари тўраниким, Дашти кипчок салотинларининг авлодидандир, бир неча минг суворий сипоҳ билан Окмасжид сарҳадини чаповул килиш (бостириш) учун жўнатди. Жавзо (май) ойининг бошларида ўруслар ҳам 200 га яқин сарбози билан Окмасжид калъасидан чиқиб, Бухоро чегарасида жойлашган Сарик бўлок мавзеига келдилар. Улардан бир фавж сарбоз ажралиб, Содик тўра мулозимлари билан тўкнашдилар. Уруслардан 13 киши ўлдирилди, 6 сарбоз асирликка тушди, колганлари эса кочиб, халос бўлдилар. Содик тўра хушхабар билан асирларни Бухорога жўнатди ўзи эса Окжаргача бориб қайтиб келди.

Бухоро амирининг фармонида биноан Самарканд волиси бир неча минг сарбозни (Жиззахга) жўнатди. Улар Жиззах калъасига озука жўнатишга қаршилиқ кўрсатиб, шу жихатдан ўруслар вазиятини огирлаштириб юбордилар. Бошка томондан (Бухоро амири ўрусларга) элчи жўнатди. Бухоро амири элчиси ва вакили Оренбург вилоятида сулх тузди. Шартнома асосида ўруслар томонидан забт этилган Янгикўргонни Бухоро амирига қайтарилди. Бухоро амири эса Жиззахни ўрусларга берди. Бухоро томонидан элчи Абдуллахон...тўра эди.

Шу воқеалар айтилаётган замонда (Бухоро) вилояти хароб бўлди. Шахрисабз ва Карши вилоятининг элот ва ахолиси (амирга) қаршилиқ кўрсатиб, Жўйбор хўжазодалари ва тўралариниким, Бухоро амирига жиян бўладилар, Шахрисабзга олиб келдилар. Амир (Музаффар) Самаркандда бу одамларнинг журъатини эшитиб, газабладб, уларни камситди.

Шу воқеалар давомида хитой-кипчок кабиласи Миёнколотда кўзголон кўтариб, Дубус, Челак ва Каттакўргонгача бўлган бир канча кишлокларни босиё олдилар.

Амир шундай жасоратлардан кўп маъюс ва магмум бўлиб, кипчокларга қарши кўшин ташлашга ботинмади. Кипчоклар бу кўзёшларга ахамият бериб, хитой кабиласининг бир нечта улугларини ушлаб амирга бердилар. Самаркандда уларни катл этиб, лашкар ила Шахрисабз томон юриш килди.

Марохилларни босиб ўтиб, Жом калъасига етиб келганда тўхташга буйруқ берди. (Жом мавзеи) Шахрисабздан қарийб уч фарсах келади. Амир Музаффарнинг) табиатида гайратдан ҳеч асорат қолмади ва аҳоли оғирлашиб, шу ерда қолди Биринчи дафъадагидек сиёсат қилиб, дўк-пўписа билан бир элчи юборди, аммо фойдасиз эди. Охири амир ярашишга мажбур бўлиб, орқага қайтди ва қарши томон йўл олди. Шу давру замонда Оренбург вилоятидан то Хўқанду Бухоро вилоятларигача бўлган ҳудуд рус подшоси қўлига ўтди. Шу ерлар бир) аёлотга (генерал-губернаторликка) бирлаштирилди ва Русия пойтахтидан Кауфман номи киши волий-амирлашқар тайин этилди. Янги Русия волийси олдинги амирлашқар ва амир ўртасида тасдиқланган битимни қабул қилмади, аксинча уни бузиш йўлидан борди.

(Кауфман) Бухоро амирига биринчи шартномадан ҳам оғир бўлган, ўзи тартиб ва танзим берган янги аҳдномани жуда оз муддатда қўриб чиқмоқ учун юборди.

Агарда Бухоро амири шу аҳдномани қабул қилмаса урушишга тайёр бўлсин, деб шарт ҳам қўйди. Бухоро амири бу аҳднома шартларини ўз давлатига оғир билиб, шундай жавоб юборишни буюрдиким, «Русия арбобларининг аҳду паймонлари барқарор эмас экан. Хар қайси янгитдан амирлашқар ва волий бўлиб олса, энг аввал янги аҳдно-малар қабул қилишга интилар эканлар. Аҳдноманинг шартлари бизнинг ҳукуматимизга зарари қуллий етказди ва қуллар ўтиши ила бизнинг сабр-тоқатимизни тўлдиради. Биз ўз ихтиёримиз ила биринчи тузган аҳдномани бузиб тақдир этмаймиз. Агарда Кауфман олдин тузган битимни қабул қилмасдан унинг бекор қилишга қўйиш этса, унда бузмакор ва аҳду паймонсиз номини олади». Шу мажлис-машварат охирига етмасдан ве Кауфмандан жавоб олмасдан бурун милодий 1867 йил, жаддий ойининг охирида ўрус аскарларининг сардори Жиззахдан Бухоро ҳудудига қириб, Уҳум қасабасининг ерларигача босиб келди. Бу ерларнинг аҳолиси Бухоро раъияси ҳисобланар эди. Ўруслар уларнинг манзилларига ўт қўйиб, мол-қолларини талон-тарож қилиё, кейин Жиззахга қайтиб кетдилар.

Милодий 1868 йилда қуёш ҳамал буржиги қирган маҳал Ўрусия аскарлари Уҳум қасабасига иккинчи марта тажовуз қилиб, бухоролик қоровул тўдаларни босди ва уларни қаршон қилди. Челақ ҳокими бухороликлар мададига етиб қелиб, ўруслар билан урушга тушди.

Қуёш савр буржининг 18 даражасида эдиким, Туркистон сипоҳсолари Кауфман тақминан 5 минг сараланган Ўрусия аскарлари билан Самарқандни қабт этишни ўзига мақсад қилиб, Тошқанддан йўлга чиқди. Бир неча муддат Жиззахда туриб, қавзо ойининг бошларида Зарафшон дарёсига яқинлашди. Шу ерда амирдан элчи қелиб, Кауфман томонидан янгитдан тартиб ва танзим бериб амирга юборилгон аҳдномани олиб кетди. Амир (Музаффар) аҳдномани ўқиб, қўйилган шартларга мослаб қабул қилиб, Кауфманга жўнатган эди, Кауфман элчига айтдиким: «Бугун мен қуруш учун энди отга минганман, қечқурун манзилга етсам, аҳд шартлари борасида музоқара қиламан» Кауфман яқинлашиб, Зарафшон бўйида Тали сиёҳ тепасида Бухорони қўрди. Ўрус сипоҳсолари Кауфман элчига айтдиким: «Сенга 2 соат муқлат, чопар қунатиб, бухороликларни қариги соқилдан қайтарасан, биз ҳеч қандай тўсиқсиз дарёни қечиб ўтсак, шу ерда сен билан сулҳ ҳақида гаплашамиз». Элчи чопар юбориб, бу шартни Бухоро амирига маълум қилди. Улар шу ваъдага ишониб, ўруслар Зарафшон дарёсидан қечиб ўтаётган қайтда уларга ҳеч қаршилиқ қўрсатмадилар. Кауфман бошлиқ ўрус аскарлари сувдан талафотсиз ўтиб, музоқара ва сулҳни қутиб турган бухороликларга тўсатдан ҳужум қилиб, уларга талафот етказдилар. Шундан кейин Кауфман сулҳ

таклифини кабул килмаслиги хакида катъий жавоб бериб, элчини кайтарди. Фирибга дуч келган содда элчи маъюс бўлиб Бухорога кайтди...

давоми бор...